


# Термиз тумани шахматчиси совриндорлар қаторида




"Янги Ўзбекистон ёшлари бирлашайлик" шиори остида жорий йилнинг 28-29 июнь кунлари бўлиб ўтган Спорт фестивалининг шахмат бўйича республика мусобақасида Термиз тумани вакиллари ҳам муносиб иштирок этишди.

Термиз тумани Болалар-ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Оқил Сулаймонов мусобақанинг 6-18 ёш тоифасида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. Оқил Сулаймонов Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги ва Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг диплом ва кумуш медал билан тақдирланди.

Оқил Сулаймоновнинг ота-онаси ва яқинларини ҳамда мураббийларни эришилган натижа билан табриклаймиз.





**Термиз туман ҳоқимлиги**  
**Ахборот хизмати**